O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONA PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL 22 AVGUST
PAYSHANBA
№ 101-102 (26.961)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

МАМЛАКАТИМИЗ ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ АРАФАСИДА

Шу кунларда қайга борманг, қайга боқманг, байрам тараддуди авжида эканлигини кўрасиз. Юртдошларимиз ўтган ўн бир йил ичида иқтисодий, ижтимоий ҳаётимизда эришилган барча ютуқларни истиқлол шарофати билан боғлаб, ўзларининг дил сўзларини айтмоқдалар.

Наим НОРҚУЛОВ, Ўзбекистон Янги тарихи марказининг бош илмий ходими, тарих фанлари номзоди:

— Мустақиллик ўзбек халқига шу вақтгача оёқости қилинган миллий маданиятимиз ва маънавиятимизни ўрганиш, тарғиб этиш ва холисона илмий тадқиқ қилиш ҳуқуқини берди. Тарих фанига бўлган эътибор кучайди. Халқимизга ўз тарихининг ёрқин қирралари билан танишиш насиб этди. Тарихий қўлёзмаларни кўздан кечириб, миллий меросимиз нақадар бойлигига имон келтираман. Ўз тарихини билмаган одамда келажакка ишонч бўлмайди. Мустақиллик бизга шу ишончни берди.

Зариф БОБОЁРОВ, Самарқанд вилояти, Нуробод тумани, Каттақўрғон жамоа хўжалигида тадбиркор:

— Мустақиллик деҳқонга ер берди, унинг заҳматли меҳнатини юзага чиқарди. Беш йилдан буён оилавий пудрат асосида 10 гектар ерда деҳқончилик қиламиз. Ҳалол меҳнат, пешона тери билан олинган даромаднинг баракаси бўлади, деган гапга мустақиллик йилларидагина ишондим. Илгари меҳнат қилган ҳам, қилмаган ҳам бари бир эди... Энди адолат бўлди. Ҳар ким ўз меҳнатига яраша олади.

Дилафрўз КОДИРОВА, Ўзбекистон Бадиий Академияси аспиранти, 2002 йил Президент стипендияси совриндори:

— Мустақиллик театр санъатига, саҳна асарларига эрк берди, деб ўйлайман. Ўзим ҳам қисман биламан, устозларимиз, ота-оналаримиз ҳикояларидан биламиз, аввалги замон қанақа бўлганини, чет элга чиқиш учун кўп чиғириқдан ўтиш керак бўлган. Ҳозир бу оддий ҳолга айланган. Пешқадам театрларимиз жаҳоннинг турли мамлакатларида ўтказилаётган халқаро фестивалларда қатнашмоқда, халқимизнинг санъат дурдоналарини намойиш эта олиш имконига эга бўлди.

Мен бир нарсани айттим келади, шу юртда, шу замонда яшаётганимдан фахрланаман.

Мен шу кунларда саҳна безаги, жиҳозлари, либос ва пардоз мавзуида илмий изланишлар олиб бораяпман. Ёшларга кўрсатилаётган эътибордан руҳланиб, изланиб, интилиб яшагинг келади...

■ Суҳбатдош: Робия ХУДОЙБЕРДИЕВА

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон мустақилликнинг илк йиллариданоқ Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зонага айлантириш йўлида изчил сиёсат юритиб келади. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов БМТ Бош ассамблеясининг 1993 йилги сессиясида сўзлаган нутқида илк бор ушбу ташаббусни илгари сурган эди. 1997 йили Тошкентда «Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Минтақа давлатлари раҳбарлари мазкур ташаббусни бир овоздан қўллаб-қувватлади. Қолаверса, Президент Ислом Каримовнинг ушбу ташаббуси халқаро ҳамжамият, жумладан, БМТ, Европа Иттифоқи ва бошқа қатор халқаро ташкилотлар томонидан маъқулланган. Давлатимиз раҳбарининг яқинда Японияга буюрган расмий сафари чоғида ҳам Кунчиқар мамлакат ҳукумати Ўзбекистоннинг минтақамизда қуролсизланиш йўлида амалга ошираётган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашини маълум қилди. Айни пайтда минтақамизни ядро қуролидан холи зона, деб эълон қилиш борасидаги шартномани тайёрлаш ишлари якуний босқичга кирган.

21 август куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг БМТ Бош котибининг қуролсизланиш масалалари бўйича ўринбосари Жаянта Дҳанапала билан Оқсарой қароргоҳида бўлиб ўтган учрашувида ҳам ана шу масала суҳбатнинг бош мавзуи бўлди.

— Биз сизни нафақат БМТ Бош котибининг ўринбосари, балки ядровий қуролсизланиш бўйича йирик мутахассис сифатида ҳам ҳурмат қиламиз, — деди давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан. — Минтақамиз хавфсизлиги ва барқарорлигини мустаҳкамлаш йўлида БМТ томонидан амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатларни Ўзбекистон ҳукумати юқори баҳолайди. Айни пайтда Ўзбекистон билан БМТ, шунингдек, унинг ҳузуридаги турли соҳаларда фаолият кўрсатувчи барча ташкилотлар ўртасида ишончли ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Бу ишонч келгуси ҳамкорлигимиз янада самарали бўлишига замин яратмоқда.

Меҳмон самимий қабул учун миннатдорлик билдирар экан, БМТ Ўзбекистоннинг тинчликпарварлик сиёсатини юқори баҳолаши ва кенг қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

Суҳбат чоғида халқаро майдонда ва Марказий Осиёда ядровий қуролсизланиш борасида амалга оширилаётган ишлар, минтақамиздаги вазият, Афғонистондаги тикланиш тадбирлари, террорчиликка қарши кураш ва бошқа кўплаб масалалар хусусида фикр алмашилди.

■ (ЎзА)

Суратда: *қабул пайти.*
Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТ

2002 йилнинг 20 август куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик Ташкилотининг Тошкентдаги Маркази сиёсий маслаҳатчиси Корнелиу Мушински қабул қилинди.

ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов меҳмонга мустақил Ўзбекистон, жумладан, ХДП учун ЕХҲТ билан ўзаро алоқаларнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. У, шунингдек, Ўзбекистон ХДПнинг дастурий мақсадлари ва амалий фаолияти, унинг мамлакатимиздаги бўлажак парламент ислоҳотида иштироки тўғрисида сўзлаб берди, меҳмонни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Жаноб К. Мушински ЕХҲТ Тошкент Марказининг фаолияти, сиёсий партиялар билан ҳамкорлигининг хусусиятлари, фуқаролик жамиятини барпо этиш муаммолари юзасидан ва, шу жумладан, Халқ демократик партияси билан ҳамкорликни кучайтириш зарурияти тўғрисида сўз юритди.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП МК котиби Аслиддин Рустамов иштирок этди.

■ Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

НАВҚИРОН ВИЛОЯТДА...

■ А. САИТОВ олган суратлар

Газетамиз саҳифалаётган чоғда сўнгги қўнғироқ олдик:

Эртага тонг билан (яъни бугун!) қурилиши 90-йиллар охирида бошланган, узунлиги 226 километр масофадаги Учқудуқ — Мискин — Тўрткўл — Нукус темир йўли фойдаланишга топширилади. Президентимиз ташаббуси билан бошланган ва халқимиз орзиқиб кутган бу зарбдор қурилиш муддатидан анча илгари — Мустақилликнинг 11 йиллиги арафасида ниҳоясига етди. Иншоот излари бўйлаб бугун илк қардошлик поезди йўлга чиқади. Унда Ўзбекистон ва Қозоғистон республикаларининг кенг жамоатчилик вакиллари, зиёлилар, фан арбоблари, ёзувчилар ва журналистлар ҳам бор.

Мазкур поезд ташрифи хусусида газетамизнинг навбатдаги сонида ҳикоя қиламиз.

Навоий вилоятининг истиқлол йиллари одимларига бир назар ташланг: Эски Томди маркази Янги Томдига кўчиб ўтди. Мурунтовда Ўзбекистон — Америка ҳамкорлигининг ягона рамзи — «Ньюмонт — Корпорейшн»га асос солинди. Фосфорит комбинати юзага келди. «Электрокимё» корхонасида йодланган ош тузи ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «Қизилқумцемент» жаҳон андозаси даражасида қадоқланган цемент тайёрлашни бошлади. Навоий «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси эса сунъий «нитрон» толасини хорижга экспорт қилишга киришди... Бу сингари бунёдкорлик ишларини яна санайвериш мумкин.

— Байрам шукуҳи бизни янгиянги ишларга ундаяпти, — дейди Навоий шаҳар ҳокими Бахтиёр Ҳамдамов. — Навоий боғини бундан-да кўркам қилиш, шаҳарда троллейбус қатновини йўлга қўйиш, янги барпо бўлаётган санъат коллежини талабаларга барвақт топшириш байрамгача бўлган ишларимиз мундарижасидир...

Ҳа, бугун вилоятнинг Зарафшон, Учқўрғон, Зафаробод шаҳарларида, Томди, Конимех, Нурота сингари чорвачилик туманлари овулларида ҳам, Кармана, Хатирчи, Навбаҳор, Қизилтепа тарафларда ҳам байрам нафаси, байрам руҳи кезмоқда. Нафақат, шаҳар, посёлка, қўрғон ва қишлоқларда, ҳар бир хонадонда, ҳар бир фуқаро қалбида байрам завқи...

■ **Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ТОШКЕНТ: КЕЧА ВА БУГУН

(Сурат таҳририят архивидан олинди)

■ Шавкат АКРАМОВ олган сурат

Эътибор берган бўлсангиз газетамизнинг аввалги сонларидан бошлаб, Ватанимиз пойтахти — Тошкентнинг кеча ва бугуни тўғрисида ҳикоя қилувчи суратлар берилмоқда. Суратлар узундан-узун гаплар, катта-катта мақолаларга нисбатан ихчам ва кичик. Қолаверса, суратларда муболаға бўлмайди, суратлар рост гапиради, суратларда ҳаёт бор бўй-басти билан акс этади. Сурат — бу ҳақиқат.

Шарқ дарвозаси ҳисобланган қадим кентимиз — пойтахтимизда Мустақиллик йиллари амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳам суратлар гапирсин. Қаранг, қиёсланг: кеча қай аҳволда бўлган жойлар бугун қай қиёфада?

Бир пайтлар «Ғалаба боғи» деб аталган истироҳат боғи(чапда)нинг бугунги кўриниши(ўнгда)га разм солинг.

Шу боғ ёнидан кесиб ўтувчи Бўзсув каналининг нариги қирғоғи файзсиз ҳолатда ётарди. Эски ғишт заводи, пастқам, палапартиш қурилган иморатлардан иборат жойда бугун замонавий спорт кошоналари ўзини кўз-кўз қилиб турибди: Юнусобод теннис саройи, сув спорти саройи, очиқ теннис майдонларида бугун нуфузли ҳалқаро турнирлар, жаҳон чемпионатлари ўтказилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЛИЦЕНЗИЯЛАШНИ БЕКОР ҚИЛИШ ҲАМДА ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИНИ ОЛИБ КЕЛИШ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИЧКИ БОЗОРИДА СОТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

«Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида», «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ва республикага истеъмол товарларини олиб келиш ва сотиш тизимини янада такомиллаштириш, ички истеъмол бозорида рақобат муҳитини яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тайёр истеъмол товарларини импорт қилувчи корхоналар ва ташкилотларга сўмларни эркин муомаладаги валютага конвертация қилишнинг устувор ҳуқуқини берувчи лицензиялар бериш механизми бекор қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2002 йил 1 октябрдан бошлаб ижтимоий аҳамиятга эга бўлган халқ истеъмол товарлари ва дори-дармонларни импорт қилувчи корхоналар ва ташкилотлар учун биржадан ташқари валюта бозорида хорижий валютани сотиб олишга ваколатли банкларга ҳар чораклик лимитлар бекор қилинсин.

3. Белгиланганки, 2002 йил 1 октябрдан бошлаб юридик ва жисмоний шахслар томонидан тижорат фаолияти учун Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига барча истеъмол товарлари олиб келинишига амалдаги қонун ҳужжатларига биноан мажбурий тартибда мувофиқлик сертификати тақдим этилган тақдирда йўл қўйилади.

4. Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган барча юридик ва жисмоний шахсларга:

божхона чегараси орқали истеъмол товарларини олиб келишда божхона тўловлари ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбурий тўловлар ва йиғимларни ўз вақтида ва тўлиқ тўлаш;

олиб келинаётган истеъмол товарларига мувофиқлик сертификатини тақдим этиш;

турғун савдо шохобчалари орқали чакана савдо фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган солиқларни тўлаш ва нақд савдо тушумини ҳар куни банкларнинг кассаларига мажбурий топшириш қоидаларига қатъий риоя қилиш каби халқаро амалиётда умумий қабул қилинган нормаларга риоя этилган тақдирда истеъмол товарларини республикага импорт қилиш ва уларни сотиш ҳуқуқи берилсин.

5. 2002 йил 1 сентябрдан бошлаб қуйидаги тартиб белгилансин, унга кўра:

юридик ва жисмоний шахслар томонидан истеъмол товарлари тузилган шартномалар асосида фақат ўзининг расмий эълон қилинган дистрибьюторларига, шунингдек назорат-касса машиналаридан мажбурий фойдаланилган тақдирда турғун савдо шохобчалари орқали чакана савдо қилувчи юридик ва жисмоний шахсларга улгуржи сотилади;

импорт истеъмол товарларини олиб келиш ва уларни улгуржи сотиш билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар рўйхатдан ўтказиш ва божхона расмийлаштирувида ўзининг расмий дистрибьюторлари рўйхатини тақдим этиши шарт;

улгуржи савдо субъектларининг дистрибьюторлари назорат-касса машиналари билан жиҳозланган турғун савдо шохобчасига эга бўлишлари керак;

истеъмол товарлари қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик ёки жисмоний шахслар томонидан фақат нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш шаклида улгуржи сотилади.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ўзларининг расмий дистрибьюторлари сифатида эълон қилинмаган, шунингдек назорат-касса машиналари билан жиҳозланган турғун савдо шохобчаларига эга бўлмаган жисмоний шахсларга истеъмол товарларини улгуржи сотиши тақиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги улгуржи ва улгуржи-чакана савдо қилувчи юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишда кўрсатиб ўтилган тартибга қатъий амал қилсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси улгуржи сотиш учун импорт қилинаётган истеъмол товарларини божхонада расмийлаштиришда белгиланган тартибга қатъий риоя қилсин.

6. Белгиланганки, 2002 йил 1 сентябрдан бошлаб республиканинг буюм бозорларида импорт истеъмол товарлари фақат юридик шахс ташкил этмасдан якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилган ва экспорт-импорт операцияларини ҳамда чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахслар томонидан республика ҳудудига товарлар улар томонидан олиб келинганлигини, мувофиқлик сертификатларини, божхона тўловлари ва қатъий белгиланган солиқ тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда сотилишига белгиланган тартибда йўл қўйилади. Бунда улар томонидан истеъмол товарларини назорат-касса машиналари қўлланилмасдан сотишга рухсат берилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари буюм бозорларида истеъмол товарларини сотишнинг кўрсатиб ўтилган тартибига риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки, тижорат банклари савдо қилувчи ташкилотлар томонидан белгиланган савдо қоидаларига риоя этилиши ва истеъмол товарларини сотишдан тушган нақд савдо тушуми ҳар куни банкларнинг кассаларига тўлиқ топширилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатилишини таъминласинлар.

8. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида 2003 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товар ёрлиқларида (этикеткаларида) Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида товарнинг хусусиятлари тўғрисидаги ахборот ва уларни қўллаш, улардан фойдаланиш бўйича йўриқномалар мавжуд бўлмаган эркин муомалага чиқаришга мўлжалланган истеъмол товарларининг айрим турларини олиб келиш тақиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, «Ўздавстандарт» маркази Ўзбекистон Республикасига импорт қилинадиган товарларнинг айрим турларини маркалаштириш тартиби тўғрисидаги низомни икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан монополияга қарши қонунчиликка қатъий риоя қилиниши, истеъмол товарлари бозорида рақобат муносабатлари самарали ишлаши, нархлар сунъий равишда оширилишига, ноҳалол рақобатга, энг аввало, товарларнинг тайёрланиш жойи, истеъмол хусусиятлари ва сифати юзасидан истеъмолчилар чалғитилишига йўл қўйилмаслиги устидан қатъий назоратни таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2002 йил 20 сентябргача бўлган муддатда:

ижтимоий аҳамиятга эга бўлган истеъмол товарлари ва дори-дармонлар импортини тариф билан ва нотариф бошқариш тизимини жорий этишни;

импорт истеъмол товарлари тендер асосида олиб келинишини назарда тутувчи механизмни ишлаб чиқсинлар ва жорий этсинлар.

11. Белгиланганки, юридик шахслар томонидан республикага технология хомашёси, бутловчи узеллар ва буюмлар сифатида олиб келинаётган ноозиқ-овқат товарлари Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 июлдаги 257-сон қарори билан белгиланган товар божхона қийматининг 30 фоизи миқдорида истеъмол товарлари импорти учун йиғимдан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда тайёр маҳсулотларни технология хомашёси, бутловчи узеллар ва буюмлар қаторига киритишни аниқ чекловчи қоидани икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, тижорат банклари, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2002 йил 1 декабргача бўлган муддатда Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимини яратсинлар.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 18 июлдаги 305-сон қарорининг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда норматив ҳужжатларга мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартиришлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И. КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2002 йил 20 август.

АСОСИЙ САРМОЯ — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Бугун Қашқадарё улкан қурилиш майдони. Коллежлар, мактаблар, ўйингоҳлар... Аммо асосий маблағнинг 70 фоизи ишлаб чиқариш объектларига ишлатилмоқда. Ана шундай улкан иншоотлардан бири «Шўртангаз» унитар шўъба корхонасида бунёд этилаяпти.

Мамлакат ёнилғи-энергетика тизимининг асосий таянчларидан бўлган бу корхонада йилига 20 миллиард кубометрдан ортиқ газ қазиб чиқарилмоқда. АҚШнинг «Бейкер Хьюс» компаниясининг сармояси жалб этилиб, нефть ва газ конларида қурилаётган сиқув-компрессор станцияси маҳсулот ҳажми янада ошишини таъминлайди. Юқори қувват ва аниқликда ишлайдиган ускуналар нефть ва газ қудуқларидан самарали фойдаланиш имконини беради. Бу муҳим қурилишни «Бухорогазсаноатқурилиш» очиқ ҳиссадорлик жамияти бунёдкорлари олиб боришмоқда. Айни пайтда хорижий инвестиция шимолий Ўртабулоқ кони самарадорлигини оширишга ҳам жалб этилган.

■ **Юнус УЗОҚОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ОМАД ҚУВОНЧИ» АЗОБИДАН... ДОД!»

...газетанинг 2002 йил 4 июлдаги сонида чоп этилган «Омад қувончи» азобидан...дод!» сарлавҳали мақола юзасидан Тошкент шаҳар прокуратураси текшириш ўтказди.

Текширишда «Омад қувончи» лотерея ўйинларини ташкил этган ва ўтказган «Қувасой воқеа» жамияти раҳбари ўринбосари А.Мардонов жавобгарлигидаги моддий қийматликлардан 4 млн. 588 минг сўмлик камомадга йўл қўйилганлиги аниқланди.

Шунингдек, «Омад қувончи» телелотереясининг 2002 йил 15 февралида ўйналган 53-тираж, 1-турида фуқаро М.Содиқов ютиб олган 3,5 млн. сўм, 2002 йил 5 апрелда ўйналган 60-тиражнинг 2-турида фуқаро К.Ҳакимовнинг ютиб олган 4 млн. сўм ютуқлари текширув кунига қадар берилмай келинганлиги ҳамда бир қатор қонунбузарликлар аниқланган.

Ушбу ҳолатлар юзасидан 2002 йил 10 июль куни «Қувасой воқеа» масъулияти чекланган жамият раиси Н.Самибаева ва раис ўринбосари А.Мардоновларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми «а,в» бандлари, 168-модда 3-қисми «а,в» бандлари билан жиноят иши қўзғатилди ва тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Тошкент шаҳар прокуратураси Умумий назорат бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Ғ.ШУКУРОВ.

МАЙДА ТИЖОРАТНИНГ КАТТА ҒИРРОМЛИКЛАРИ

ЁКИ ЎРТА ВА КИЧИК БИЗНЕС БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ БАЪЗИ «ИШБИЛАРМОН»ЛАРНИНГ НОҚОНУНИЙ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИ ХУСУСИДА

«Бир нарсани аниқ-равшан айтиш керак — биз чет элларга бориб мол олиб келадиган, майда тижорат билан шуғулланадиган фуқароларнинг фаолиятига мутлақо қарши эмасмиз. Лекин бундай фаолият қабул қилинган қонун-қоидалар ва тартиблар доирасида олиб борилиши тарафдоримиз».

Ислом КАРИМОВ

Майда тижорат билан шуғулланадиган фуқаролар асосан арзон ва сифатсиз, усти ялтироқ, ичи қалтироқ маҳсулотларни ички бозорларга олиб кириш билан шуғулланиб келмоқдалар. Қизиғи шундаки, улар қонун-қоидалар ва тартибларни бузиб, бозорларга ғайриқонуний йўл билан сифатсиз моллар олиб келаётган бўлсалар ҳам ҳеч қандай жавобгарликка тортилмаяптилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 06.05.2002 йилдаги «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори менинг фикримча ўз вақтида қабул қилинди.

Афсуски, бизнинг туманда ҳам баъзи тадбиркорлар томонидан ҳудудимизга четдан товар келтириш ва савдога чиқаришда қонун талабларига риоя қилинмаяпти.

Албатта, бозор иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи куч бу — рақобат. Яъни, маҳсулот қаерда ишлаб чиқарилишидан қатъи назар, у аҳоли учун ҳар жиҳатдан юқори сифатли бўлиши ва унинг сертификати ҳамда бошқа тасдиқловчи ҳужжатлари бўлиши шарт.

Шуларни инобатга олиб, туман прокуратурасининг тезкор ходимлари ички ишлар, прокуратура ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бўлимлари, давлат солиқ инспекцияси билан ҳамкорликда махсус ишчи гуруҳи тузиб, режа ишлаб чиқди.

Туман ҳудудига сифатсиз, қалбакилаштирилган товарлар олиб келиниши ва савдога чиқарилишига йўл қўймаслик учун ички ишлар бўлими, давлат солиқ инспекцияси, солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бўлими, санитария-эпидемиология хизмати масъул ходимлари иштирокида алоҳида ўқув-семинарлар ўтказилди. Натижа ёмон бўлмади.

Туман прокуратураси ҳузуридаги СОЖҚҚ бўлими ва туман ИИБ ходимлари билан биргаликда 2002 йил 27 июль куни тумандаги «Мингчинор» ЙПХ масканида текшириш ўтказилганда Қарши шаҳрида яшовчи фуқаро Марзия Оққўзиева белгиланган тартибда рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, фуқаро Шавкат Боқиев бошқарувидаги «Нексия» автомашинасида чет элларда ишлаб чиқарилган жами 377000 сўмлик дориларни номаълум шахслардан сотиб олиб, Тошкент шаҳрига сотиш мақсадида олиб кетаётганида ушланган.

Текшириш натижасига кўра, М.Оққўзиева олиб ўтмоқчи бўлган ушбу дорилар таркибида психотроп моддаси борлиги аниқланган. Унга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Савол туғилади? Бу аёл ушбу дори-дармонларни қаердан олган? Улар сифатлими, ҳужжатлари борми?

Албатта, бу саволларга тергов жараёнида жавоб топамиз. Бу аёл қонун олдида жавоб беради. Аммо бу сифатсиз ва ҳужжатсиз дори-дармонларни одамларга сотиш ва улар ҳаётини хавф остига қўйиш учун унга ким рухсат берди?

Кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик билан шуғулланадиган фуқаролар фирибгарларнинг қўлида ўйинчоқ бўлиб қолмасдан, чет эл фирмаларидан товарларни харид қилганда, маҳсулотларни тасдиқловчи ҳужжати, сифати ва хавфсизлиги бўйича сертификатлари талаб қилишлари шарт. Улар учун қулай ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиб бериш масалалари эса прокуратуранинг биринчи галдаги вазифаси бўлмоғи керак.

Кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорлик, деҳқон ва фермер хўжаликлар фаолияти билан шуғулланувчи шахслар ишига ғайриқонуний аралашишга барҳам бериш борасида ҳам прокуратура томонидан туманда қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу қарор моҳияти ва мазмунини аҳолига тушунтириш борасида қишлоқ ва маҳалла йиғинларида, ташкилотларда тарғибот ишлари олиб борилмоқда, маърузалар ўтказилмоқда. Туманимизда тадбиркорларнинг эркин фаолият кўрсатиши учун барча шароитлар яратилган ва одамларимизнинг фаровон ҳамда муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш борасида қўлимиздан келган ҳамма ишни қиламиз.

Менимча, юртбошимиз айтганидек ҳақиқий тадбиркор, мамлакати манфаатини ўйлаган фуқаро қонун доирасида иш юритмоғи керак. Ҳалол, ҳақиқий тадбиркорлар учун эса мамлакатимизда барча ҳуқуқий асослар яратилган.

■ **Ҳусайн САБИРОВ,**
Китоб тумани прокурори

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

УЛУҒ БАЙРАМ АРАФАСИДА

ХДП Тошлоқ туман кенгаши ҳузуридаги «Сиёсат» клубининг навбатдаги машғулоти Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 11 йиллигига бағишланди. Унда ХДП Тошлоқ туман кенгаши котиби Д. Пўлатова «Ўзбекистон мустақиллик йилларида» мавзуида маъруза қилди. Йиғилишда тингловчиларга ўтган давр мобайнида республикамизда амалга оширилган тарихий ишлар тўғрисида маълумотлар берилди.

Тўрақўрғон туман партия кенгаши, тумандаги «Бизен труд» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси, «Ибрат», А. Набиев ҳамда Бобур номидаги ширкат хўжаликларида «Озодликдан бахрамандмиз« мавзуидаги «давра суҳбатлари»ни ташкил этди.

Партия Косонсой туман кенгаши «Косонсой» сиҳатгоҳида «Сени шарафлаймиз, жон Ўзбекистон!» мавзуида маданий-маърифий тадбир ўтказди. Унда дам олувчилар билан бирга тумандаги жамоат ташкилотлари вакиллари, партия фаоллари иштирок этдилар.

ХДП Асака туман кенгаши ташаббуси билан, «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласини ўрганишга бағишланган «давра суҳбати» ўтказилди. Учрашувда тумандаги ташкилот, корхона ва хўжаликлар раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотларининг котиблари қатнашдилар. Унда ХДП Асака туман кенгаши биринчи котиби Ф.Холиқов сўзга чиқиб, ушбу рисоланинг мазмунмоҳияти ва аҳамияти, мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар тўғрисида маъруза қилди.

ХДП Кўқон шаҳар кенгаши Мустақиллик байрами арафасида шаҳарда амалга оширилаётган ободонлаштириш ишларида фаол қатнашмоқда. Ушбу мақсадда, Шоҳрухобод маҳалла ҳудудида партия фаоллари томонидан янги гулзорлар бунёд этилди. Бу ерда теварак-атрофни тозалаш учун шанбаликлар ўтказилди.

Уйчи туман партия кенгаши кубоги учун давом этаётган футбол мусобақаларида бир қатор жамоалар сараланди. Мустақилликнинг 11 йиллигига бағишланган ушбу мусобақаларда туман улгуржи чакана савдо корхонасининг «Савдогар», «Гулбоғ» ва «Қизилровот» ширкат хўжаликлари ҳамда туман халқ таълими бўлими футбол жамоалари фаол иштирок этдилар.

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР

ХДП Улуғнор туман кенгаши, Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан, тумандаги «Оқ олтин» чойхонасида, узоқ йиллар давомида, биргаликда, тинч-тотув яшаб келаётган Йўлдошали ота ва Мўътабархон ая Қосимовлар, Набижон ота ва Ўғилхон ая Воҳидовлар, Тожибой ота ва Зулфия ая Юнусовлар, Йўлдошали ота ва Маҳфуза ая Мирзаевлар ҳамда Тўланбой ота ва Офтобхон ая Қамчиевларнинг «олтин тўйлари»ни ўтказди. Ушбу тадбирда уларнинг фарзандлари, қариндош-уруғлари, ёру дўстлари иштирок этдилар.

Тадбир давомида ХДП Улуғнор туман кенгаши биринчи котиби Ж.Исмонова «олтин тўй» сабабчилари — партия фаолларига туман кенгашининг эсдалик совғаларини топширди.

ПАРТИЯ САФЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Зарбдор туман кенгашида партия сафларини ўстириш, оммавий-ташкилий ишлар савиясини яхшилашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бугунги кунда ҳудуддаги 109 та бошланғич ташкилотга 2045 нафар партия аъзоси бирлашган ва улар туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда фаол хизмат қилаётирлар. Биргина ўтган ойнинг ўзида 11 нафар фидойи ёшлар партия сафига қабул қилиндилар.

✧ ✧ ✧

Суратда: *туман кенгаши биринчи котиби Алиқобил Усканов (ўнгда) партия сафига янги қабул қилинган «Халқ банки» Зарбдор туман бўлими масъул ходими Одил Холмуродовга партия билетини топширмоқда.*

■ **Шавкат АКРАМОВ олган сурат**

«РЕГИСТОН» — ЁШЛАР ХИЗМАТИДА

Сиёб туманидаги Регистон маҳалласида «Регистон» спорт-соғломлаштириш мажмуи қуриб фойдаланишга топширилди. Кўп қаватли уйларда яшовчи оилаларнинг фарзандлари бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун бу қулайлик айни муддао бўлди.

Мажмуада мини-футбол майдони, шоҳмот-шашка, кураш, оғир атлетика хоналари замонавий услубда барпо этилди. Иккита чўмилиш ҳавзаси болалар билан гавжум.

Бу ажойиб иншоотнинг бунёд этилишида маҳалладаги тадбиркорларнинг ҳомийлиги беқиёс бўлди. «Лабиғор», «Мўъжиза» ресторанлари, Самарқанд шаҳар «Телеком» корхонаси ва яна бир қанча фирмалар ушбу мажмуа қурилишига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Кўп қаватли уйлар ҳовлисида бунёд этилган бу мажмуада бир вақтнинг ўзида олтита маҳалла ёшлари мунтазам спорт билан шуғулланиш имконига эга бўлишди.

■ **(Ўз мухбиримиз)**



«СОВПЛАСТИТАЛ» ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА

Республика Бадиий Академиясининг Марказий кўргазмалар залида «Совпластитал» қўшма корхонаси — Мустақиллик йилларида» дея номланган кўргазма очилди.

Кўргазмалар залининг иккала қаватида етти мингга яқин турли хил маҳсулотлар намойишга қўйилди. Булар Тошкентдаги «Совпластитал» қўшма корхонасининг салкам 15 йиллик фаолияти давомида ишлаб чиқарилган буюмлари ва жиҳозлардан намуналардир. Улар орасида дала ҳовлиларига мўлжалланган пластмассали мебеллар ва ҳар хил буюмлар, уй хўжалиги жиҳозлари, ошхона ускуналари, манзарали гулдонлар, суратлар учун ромлар, ойналар, соатлар, болалар буюмлари, ёдгорликлар, сунъий гул ва дарахтлар, мармардан ясалган безаклар сингари ранг-баранг маҳсулотлар бор.

Кўргазмада қўшма корхонанинг ишлаб чиқариш суръатлари жадал ривожланаётгани ва маҳсулотлари сифати йил сайин ошаётгани ёркин ифода этилган. Буни, айниқса, корхонанинг истиқлол йилларида қўлга киритган кўплаб халқаро совринлар ва мукофотларда ҳам кўриш мумкин: «Маҳсулот сифати учун махсус медаль ва дўстлик сертификати. 1992 йил, Туркия», «Маҳсулот сифати учун махсус медаль ва фахрий ёрлиқ. 1992 йил, «Вена», «Технология ва сифат учун» Халқаро мукофот ва сертификат. 1993 йил, Женева», «Энг яхши савдо Ёрлиғи» Халқаро мукофот ва сертификат. 1995 йил, Мадрид», «Сифат учун Европа олтин соврини ва сертификат. 1996 йил, Париж» ва ҳоказо.

Мамлакатимиз Мустақиллиги нишонланадиган ҳеч бир йил йўқки, корхона ўз маҳсулотлари билан пойтахтимиздаги Ватанимизнинг Бош майдонини байрам тантаналарига тайёрлаш жараёнларида фаол иштирок этмаса. Корхона эрта-индин нишонланадиган ўн бир йиллик шодиёналарнинг сахн ва саҳналарини 200 дан ортиқ манзарали дарахтлар, гуллар, шунингдек, минглаб пластмасса ўриндиқлар билан ҳозирданоқ безаб қўйди.

Агар борган ва кўрган бўлсангиз, янгидан қурилган Тошкент консерваторияси залларидан бирида рангли шиша-бўёқли витраж — бадиий асар ҳам «Совпластитал» қўшма корхонаси жамоасининг ижодий меҳнати маҳсулидир.

■ **Юнус ЗИЁДОВ,**
Соҳибжон САЛИМОВ

Суратда: кўргазма залидан кўриниш.

САОДАТСИЗ КУНЛАР

ХОН НЕВАРАСИНИНГ ТАҚДИРИ

Қўқон хони Худоёрхоннинг авлодлари шўро империясининг бир-биридан даҳшатли азоб-уқубатларини кўрди. Хоннинг невараси Саодат Аминова бошига ҳам кўз кўриб, қулоқ эшитмаган савдолар тушди. У 1938 йил 13 июль куни республика жиноят кодекси 57-моддасининг 1-бандида кўзда тутилган сиёсий жиноятларда айбланиб, қамоққа олинди.

Одатда сиёсий масалалар бўйича айбланган кишининг уйидан унинг жиноий ишларини фош этувчи ашёлар чиқади. Саодат Аминова истиқомат қилган Тошкент шаҳрининг Турк янги шаҳар кўчасидаги 29-уйда бўлиб ўтган тинтув пайтида эса акалари Мансурбек ва Темурбекнинг фотосуратлари билан бирга, Ниёзбек афандининг Туркиядан акаси Исломбек Худоёрхоновнинг Париждан юборган мактублари, шунингдек, «Ўтган кунлар» романи ва Москва вилоятининг харитаси топилди, холос.

Ўша кезларда Саодат Аминова Худоёрхоннинг невараси бўлишига қарамай, хасталик ва ёлғизликда ғарибона турмуш кечираётган эди. Унинг Нуриддинбек (1880-1935), Темурбек (1882-1938), Азаматбек (1888-1938) деган акалари яқин орада, Мансурбек деган укаси эса 1934 йилдаёқ қамалган, шунинг учун ҳам Исломбек Худоёрхонов ўзбек юртидан анча олисда яшаётганига қарамай, бахтсиз синглисининг ҳолидан хабар олиб турарди. Исломбек Худоёрхоновнинг ғариба синглисига ёзган мактуби тинтув пайтида қўлга киритилган ва Саодат аянинг «аксилинқилобий хатти-ҳаракати»ни фош этувчи ашёвий далиллардан бири сифатида «жиноий иш»га тикилган эди.

Шўро империяси бу оилани тамоман вайрон этди, хор-зор қилди.

Саодатхон аянинг туғишган акаси Исломбек 1919 йили чет элга чиқиб кетишга мажбур бўлди. Темурбек 1934 йили қамоққа олиниб, ўша ердаги қийноқлардан сўнг вафот этди. Саодатхон аянинг бошқа онадан туғилган ака-укаси — Азаматбек билан Мансурбек эса, юқорида айтиб ўтилганидек қатағон этилди. Ниҳоят, яна бир ўғай акаси Нуриддинбек ҳам 1938 йили ҳибсга олиниб, дом-дараксиз йўқолади. Бошқа опа-сингиллар эса ўз ташвишларидан ортиб, Саодатхон аянинг оғирини енгил қилишлари маҳол эди. Буни яхши билган Исломбек Худоёрхонов синглиси Саодатхонга почта орқали гоҳ-гоҳо пул юбориб турарди. Унинг сўнгги хати 1938 йилнинг 4 июлида, Саодатхон аянинг қамоққа олиниши арафаларида келган.

Маҳбуса терговчи саволларига жавоб берар экан, бирор гапни яширмайди. Ҳатто 1938 йилнинг бошларида — қиш кунлари ё баҳор кезларидами, аниқ ёдида йўқ — Исломбек Худоёрхоновдан унинг қайнотаси Смирнов орқали 2 та шоҳи «атрез» билан бирга шоҳи рўмол олганини ҳам айтади. Бундан ташқари, 1936 йилнинг куз ойларида унинг уйига афғон миллатига мансуб бир киши келиб, акасининг консулхона орқали 500 сўм миқдорида пул юборганини маълум қилган. Саодатхон ая ҳар қандай яширин алоқа совет ҳокимияти томонидан таъқиб этилаётгани учун бояги афғонга унинг уйига иккинчи маротаба келмаслигини илтимос қилган.

НКВД ходимларини эса консулхона орқали олинган пул ҳам, совға-салом ҳам эмас, балки, биринчи навбатда, Исломбек Худоёрхонов орқали Мустафо Чўқаев билан Ўзбекистондаги қозоқ аксилинқилобий ташкилоти ўртасидаги алоқа қизиқтирган. Шунинг учун ҳам улар Саодатхон аяни Мустафо Чўқаев билан қозоқ аксилинқилобчиларини ўзаро боғловчи халқа, деб тахмин қилганлар.

НКВД ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида 1938 йилда Тошкентда истиқомат қилаётган бир гуруҳ қозоқ ёшлари қаторида Иса Қашқинбоев ҳам қамоққа олинади. У 1892 йили Жанубий Қозоғистоннинг Тайпан туманида туғилган. Қамоққа олиниши арафасида эса Тошкентдаги Семашко номли физик усуллар ёрдамида даволаш институти функционал диагностика бўлимининг мудири бўлган. У ўз вақтида «Олаш ўрда» ҳаракатига алоқадор бўлганлиги сабабли 1931 йили қисқа муддат қамалиб ҳам чиққан.

Иса Қашқинбоев НКВД ходимлари «ёрдами»да совет ҳокимияти олдидаги «жиноят»ларини эслагандан кейин 1938 йил 10 июль куни бўлиб ўтган сўроқ пайтида бундай кўргазма берган:

«Бизнинг қозоқ аксилинқилобий жосуслик қўзғолончилик ташкилотимиз Париждаги таниқли пантуркист, оқ муҳожир Мустафо Чўқаев раҳбарлик қилган советларга қарши кайфиятдаги муҳожирлар давраси билан алоқада бўлган. Мустафо Чўқаев билан алоқа Тошкентда яшовчи Худоёрхонов Нуриддин орқали ўрнатилди... Худоёрхонов ишончли кишилар орқали Парижга, Мустафо Чўқаевга аксилинқилобий ташкилотимиз номидан хат юборишга розилик берди. Бу хат қозоқ ташкилотининг раҳбарларидан бири Хўжанов Султонбек томонидан ёзилди ва менга берилди.

Мен бу хатни Худоёрхоновга беришдан аввал ундан мазкур хатни Парижга қандай йўллар билан юбормоқчи бўлганлигини сўрадим. Мен Худоёрхоновни бир неча йилдан бери Совет ҳокимиятининг ашаддий душмани сифатида билганим учун унинг садоқатли киши эканига шубҳа қилмаганман. Аммо мен мазкур хатнинг Худоёрхонов орқали Парижга етиб бориш йўллари конспирация нуқтаи назаридан қанчалик ишончли эканини билмоқчи эдим. Худоёрхонов менинг саволимга жавобан хатни Афғонистоннинг Тошкентдаги консулхонаси орқали юборажаги ва консулхонада ишончли кишиларнинг борлигини айтди. Худоёрхоновнинг сўзларига қараганда, Париж билан Афғонистоннинг Тошкентдаги консулхонаси орқали алоқа синовтекширувдан ўтган, Худоёрхонов Исломбекнинг туғишган синглиси ва унинг қарамоғида яшаётган Аминова Саодат эса Исломбекдан ҳар ойда хат ва пул олиб туради».

Шундай қилиб, Тошкентда «фаолият кўрсатган» қозоқ «аксилинқилобий жосуслик қўзғолончилик ташкилоти»нинг «фош этилиш» жараёни ўз-ўзидан Худоёрхоннинг невараси Саодат Аминова номи билан чамбарчас боғланиб кетди.

1938 йил 13 июль ва 23 августда бўлиб ўтган сўроқ баённомаларидан ташқари, Саодат Аминованинг қамоққа олинган кунидан то 1939 йил 11 январга қадар НКВД ихтиёрида кечган ҳаёти тўғрисида бирорта ҳужжат сақланмаган. 1939 йил 11 январда эса тиббий маълумотномага қараганда, маҳбусанинг соғлиги ёмонлашиб, йўтал туфайли бўлса керак, кўкраги атрофида, шунингдек, ошқозонида қаттиқ оғриқ пайдо бўлган.

Орадан олти кун ўтгач, 11 январь куни, терговчининг илтимосига кўра, тергов муддати яна бир ойга чўзиб берилган. Маҳбусанинг «жиноий-архив иши»да ана шу бир ой ичида бўлиб ўтган тергов ҳақида бирорта ҳам маълумот учрамайди. Аммо санаси қайд этилмаган айблов хулосасига кўра, Саодат Аминова афғон консулхонаси билан яширин алоқада бўлганлигини тан олган ва бу алоқа афғон консулхонаси котиби ҳамда собиқ полковник Смирнов орқали Худоёрхонов Исломбекдан пул ва совға-салом олганликда ифодаланганини айтган. Айни пайтда маҳбуса қозоқ аксилинқилобий ташкилотидан аксилинқилобий мазмундаги материалларни олганлиги ҳақидаги туҳматни рад этган. Шунга қарамай, Саодат Аминованинг иши 1938 йил 2 апрелда СССР НКВД Махсус Кенгашига текшириб кўриш учун юборилган ва 14 апрелда СССР НКВД прокурори томонидан кўриб чиқиш учун қабул қилинган.

(Давоми 4-бетда)

ЁЗГИ ОРОМГОҲ ОЧИЛДИ

Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида яшовчи 80 нафар аҚлан заиф болалар Тошкент вилояти Янгиобод тумани, Дукент қўрғонидаги республика ўқув-машғулот базасида дам олишмоқда. Ушбу спорт оромгоҳи Ўзбекистондаги Тинчлик корпуси, республика Махсус Олимпиадаси ҳамда Марказий Осиёда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ЮСАИД лойиҳасини бажарувчи Прагма корпорацияси томонидан ташкил этилди.

Оромгоҳни ташкил этишдан мақсад болаларни сентябрь ойида Марказий Осиё давлатларининг Алматида бошланадиган 1-Махсус Олимпиада ўйинларига тайёрлашдан иборатдир. Ёш спортчилар ўн кун давомида футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси, сузиш ва енгил атлетика бўйича тайёргарлик кўришмоқда. Уларнинг мураббийлари ва ўқитувчилари учун нодавлат ташкилотларини ривожлантириш бўйича ўқувлар ўтказилади.

Ўзбекистон Давлат спорт қўмитаси, Тинчлик корпуси томонидан ажратилган ЮСАИД гранти, шунингдек, Прагма корпорацияси, ТЕХАСО компанияси ва бошқалар томонидан ажратилган маблағлар эвазига ушбу оромгоҳ ташкил этилди.

Махсус Олимпиадага 1963 йилда асос солинганди ва унинг асосчиси АҚШ собиқ президенти Ж.Кеннединнинг синглиси Юнис Кеннеди бўлиб, у уйида ақлан заиф болалар учун ёзги оромгоҳ ташкил этган эди. У болаларда ўзларига ишонч уйғотишни ва спорт орқали уларнинг қобилиятларини намойиш этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганди.

2001 йилда мамлакатимизда ҳам Махсус Олимпиада ташкил этилди. Айни вақтда бир ярим мингдан ортиқ спортчилар мана шу спорт ташкилотининг аъзолари саналади.

■ «Туркистон-пресс»

ОЛОВ — ТИЛСИЗ ЁВ

ЁНҒИННИ ЎЧИРИШДАН КЎРА, ОЛДИНИ ОЛИШ ОСОНРОҚ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг барча хизматлари қатори Ёнғин хавфсизлиги тизимида ҳам қатор ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу хусусда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси бошлиғи, ички хизмат полковники Абдулла Ҳамидуллаевич КЎЛДОШЕВ билан суҳбатлашдик.



— Абдулла Ҳамидуллаевич, аввало ёнғин хавфсизлиги тизимида амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Бошқа соҳалар сингари Бош бошқармамиз ва унинг қуйи тизимларида ҳам ислоҳотлар ўтказилиб, аниқ тадбирлар асосида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ёнғин хавфсизлиги хизматининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида «Ўзавтосаноат» ассоциацияси билан ҳамкорликда Италия ва Германиянинг «Iveko — Magirus», Украинанинг «Tital» фирмалари иштирокида бирламчи ёнғин ўчириш автомобилининг намуна лойиҳаси тайёрланди. Шу кунларда «Ўзотайўл» юк автомобили шассисида ўзаро уч томонлама келишувга биноан ёнғин ўчириш автомобилининг намуна нусхаларини Украина ва Германия шаҳарларида йиғиш ишлари бошлаб юборилди. Тайёр намуна нусхалари шу йилнинг октябрь-декабрь ойларида Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ қисмларида техник синовдан ўтказилади.

— Жорий йилнинг ўтган етти ойи мобайнида ёнғинларнинг олдини олиш борасида бажарилган ишлар ҳақида нима дея оласиз?

Ходимларимиз томонидан 2002 йил давомида рўйхатга олинган барча корхона, муассаса, ташкилот ва хўжаликларда 86 мингга яқин текшириш ўтказилди. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузаётган 64 минг 402 раҳбар, жавобгар шахслар ва фуқароларга 99 млн. 700 минг сўм миқдорида маъмурий чоралар кўрилди. Бундан ташқари, ёнғинга олиб келиши мумкин бўлган 22 минг 210 та корхона, бино ва иншоотларнинг иш фаолияти вақтинчалик тўхатилди ҳамда 100 минг 809 та электр ускуна, мослама ва агрегатлардан фойдаланиш тақиқланди.

Табиийки, кўп фалокатлар олди олинди. Ёнғинлар анча камайишига эришилди. Масалан, ёнғинлар омбор, база ва савдо муассасаларида 27,3 фоизга, маданий-маиший ва маъмурий жабҳаларда 23,3 фоизга, ишлаб чиқариш корхоналарида 0,7 фоизга, аҳоли турар жойларида 7,5 фоизга камайди.

— Айни кунларда мавсумий тадбирлардан бири ҳисобланган кузги-қишки даврга, пахта ҳосилини йиғиб олиш мавсумида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида қандай чоралар кўрилмоқда?

— Маълумки, куз ва қишда ёнғинларнинг бир қисми ёғингарчилик оқибатида содир бўлади. Эскирган электр симлари, томдан сув ўтиш ҳоллари ёнғинларга сабаб бўлади. Айниқса, хоналарда электр иситгичлардан тартибсиз фойдаланишлар фожиалар юз беришига олиб келмоқда. Бу масалалар бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиққанмиз.

«Пахта — 2002» мавсумида пахтани қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида ёнғин хавфсизлигини тўлиқ таъминлаш мақсадида республикамиз ҳудудида жойлашган 600 тадан ортиқ пахта тозалаш корхоналари ва пахта қабул қилиш пунктларининг ёнғинга қарши ҳолати тўлиқ текширувдан ўтказилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун корхоналар раҳбарларига ёзма кўрсатмалар топширилди ва бажарилиши назоратга олинди.

— Ҳозирги кунда соҳа хизматида қандай муаммолар бор?

— Асосий муаммо — бу моддий техника базамизнинг ночорлиги, ёнғин жойларига тезликда етиб борадиган махсус ёнғин ўчириш машиналарининг эскириб бораётганидир. Шу билан бирга ёнғин ичига кираётган довюрак ва жасур йигитларимиз хавфсизлигини таъминлаш учун уларни жанговар кийим-кечаклар ва махсус нафас олиш мосламалари билан тўла таъминлашни йўлга қўйишимиз керак.

Албатта ёнғинни ўчиришдан кўра, унинг олдини олиш осонроқ. Шунинг учун биз тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишларига катта эътибор бераяпмиз.

■ Даврон ҚАМБАРОВ

МИЛЛАТ ВА ТАРИХ

САОДАТСИЗ КУНЛАР

(Давоми. Боши 3-бетда)

Маҳбусанинг Афғонистон консулхонаси билан алоқада бўлганлиги ҳамда бу консулхона орқали Париждаги акасидан пул ва совға-салом олганлигининг ўзиёқ уни 1937-1938 йилларда қамаш учун етарли айб эди. Шунинг учун бўлса керак, Саодат Аминованинг рус тилини яхши билган ёхуд рус миллатига мансуб меҳри дарё тақдирдошлари 1939 йил 15 июль куни унинг, ҳатто ўзек тилида ҳам арзи ҳолини ёзишни билмаган аёлнинг номидан Ўзбекистон Республикасининг ўша пайтдаги прокурори номига қуйидаги аризани ёзиб берганлар:

Ўз. Совет Социалистик Республикаси Прокурорига маҳбуса Аминова Саодатдан
АРИЗА

Мен 13/VI 39 йилда аксилинқилобий қозоқ миллатчилик ташкилотида иштирок этганлик ва жосусликда шубҳаланиб, қамоққа олинганман. Гўё мен Парижда яшовчи акам Худоёрхонов Исломбек орқали Париждаги аллақандай Мустафо Чўқаевдан топшириқ олган ва бу топшириқни қозоқ аксилинқилобий ташкилоти раҳбари Қашқинбоевга етказган эмишман...

Мен Чўқаев деган фамилияни биринчи марта сўроқ пайтида эшитдим, аммо ҳозирга қадар унинг кимлигини мутлақо билмайман. 1921 йилдан бери Парижда истиқомат қилаётган акам Худоёрхонов билан фақат почта орқали оилавий маммунда хат ёзишиб, у юборган пулни эса Давлат банки орқали олиб турганман.

Менинг ишим бўйича терговни НКВД УГБ 4-бўлими терговчилари Шарипов, Аминов ва бошқалар (уларнинг фамилияларини билмайман) олиб боришди. Сўроқ 20 ёки 22 кеча ва кундуз мобайнида кўчакўйлардагина қўлланадиган сўкишлар билан узлуксиз давом этди, жисмоний тазйиқ усуллари қўлланди.

Бу масалада ёш терговчи Аминов, айниқса, ажралиб турди.

Бундай сўроқлар ёрдамида мени Қашқинбоевга қарши сохта кўргазма беришга мажбур қилдилар.

Конвейер усулида олиб борилган сўроқлар пайтида мен ҳеч қандай ҳужжатга имзо чекмадим...

Мен рус тилини мутлақо билмайман. Яна даҳшатли сўроқларнинг такрорланишидан қўрққаним учун тишим ўтмаган қоғозлар тагига имзо чекмасдан иложим қанча эди. Негаки, аввалги сўроқлар натижасида сиҳат-саломатлигим адо бўлган, агар бундай сўроқлар яна такрорлангудек бўлса, уларга дош беролмаслигим аниқ эди...

Аминова.
15/ VII 39.
Тоштурма, 1-корпус, 52-камера.

Ушбу хат Саодат Аминова ҳаётининг қамоқда кечган дастлабки бир йили тўғрисида бизга озми-кўпми тасаввур беради.

Саодат Аминованинг жияни Нозик биби Тошматованинг ЎзССР прокурори номига 1939 йил 8 сентябрда ёзган бошқа бир аризасидан маълум бўлишича, у йигирма йилдан бери ошқозон, бод ва юрак хасталикларидан азоб чекиб келган ва мазкур ариза ёзилган вақтда ҳам қамоқхона касалхонасида ётган. Бу аризадан биз Саодат Аминованинг қамоқдалик пайтида доимо шифокор назорати остида бўлгани ҳақида ҳам хабар топамиз:

ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарига маҳбуса Аминова Саодатдан
АРИЗА

Мен 13/6 38 й.да қамоққа олинганман. Тергов 22 кеча ва кундуз кичик танаффуслар билан давом этди. Менга репрессив усуллар қўллаб, жуда қўпол муомалада бўлишди. Баённомалар олиб боришмади. Мени: 1) Худоёрхоннинг невараси бўлганликда; 2) доктор Қашқинбоевнинг алоқачиси сифатида қозоқ миллатчилик ташкилотига аъзо бўлганликда; 3) афғон консулхонасидан қандайдир пакет олиб, уни гўёки вафот этган акам Нуриддин Худоёрхонов орқали доктор Қашқинбоевга берганликда айблашди. Мазкур пакетни эса гўё Парижда яшовчи акам менга бериб юборган эмиш.

Буларнинг ҳаммаси ғирт ёлғон. Фақат бир нарса — мен Худоёрхоннинг невараси бўлганлигим ва акам Нуриддинбекнинг касал бўлгани ва вафот этганидан кейин (34 й.да) мутлақо маблағсиз қолганлигим сабабли Парижда яшаётган акамнинг сўнгги беш-олти йил давомида менга расмий равишда ёрдам берганлигигина тўғридир.

Мен 48 ёшдаман. Касалман. Касал бўлганимга ҳам, мана, 22 йил бўлди. Бу ҳақда ишимда анча-мунча маълумотномалар бор. Мен касаллигим ва ногирон бўлганлигим сабабли бундан ўн беш йил муқаддам эримдан ажрашганман...

Қамоқхонада касалликдан бошим чиқмади, икки марта касалхонада ётдим...

Ишимнинг қаерда эканлиги менга маълум эмас. Бу масалада кимга мурожаат этишни ҳам билмайман. Менинг на русчада, на ўзбекчада саводим чиққан. Сиздан ишимни бир ёқлик қилишингизни илтимос қиламан.

Аминова.
Тоштурма.
4-Корпус 5-камера.
11/XI 39.

Саодат ая бояги хатга ҳам, бу хатга ҳам ҳийла қийинчилик билан, араб ёзувида, имзо ўрнида фамилиясини ёзиб қўйган. Агар у аввалги хатни Тошкент қамоқхонасининг 1-корпусидаги 52-камерада бошқалар ёрдамида ёзган бўлса, бу хатни Ички ишлар халқ комиссари номига 4-корпуснинг 5-камерасидан йўллаган. Чамаси, Ўзбекистон НКВДси қошидаги суд Саодат Аминова устидан тўпланган туҳматнамо материалларни уни қамаш учун етарли, деб ҳисоблаганидан кейин НКВД раҳбарлари бу материалларни маҳбусанинг икки аризаси билан бирга СССР НКВДсига юборишга мажбур бўлганлар. Ҳар ҳолда бу икки хат 1939 йил 25 декабрда СССР НКВДси Махсус Кенгаши котибияти томонидан қабул қилинган. Шундан кейингина у 1940 йил 10 мартда оқланган.

Ниҳоят, адолат тантана қилди. Лекин Саодат аядек кимсан Худоёрхоннинг хаста ва вайронадил невараси қарийб икки йил мобайнида ҳақорат ва разолат қурбони бўлиб эзилиб, хўрлик ва ҳорликда яшади...

Афсуски, Саодат аянинг қамоқдан кейинги ҳаёти, тақдири ҳақида бирорта маълумот тополмадик. Агар бу ҳақда билганлар бўлса таҳририятга хабар беришса, миннатдор бўлардик.

■ Наим КАРИМОВ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ, ЎРТА ЧИРЧИҚ ТУМАНИ

«САИД ОВУЛ»

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ

юртдошларимизни энг улуғ байрамимиз — жонажон Ўзбекистонимиз Мустақиллиги куни билан муборакбод этади.

Бугун биз шуни ифтихор билан айтамизки, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик тамойиллар устувор бўлиб бораётганлигидан мамнунмиз. Пахта, ғалла ва бошқа экинлардан мўл ҳосил кўтарганимиз боис, ўтган йилни 40 миллион сўмлик соф фойда билан якунладик. Мазкур йилда эса бу кўрсаткични 100 миллион сўмга етказамиз.

Ўзимизга тегишли ҳудудда қурилишни, иқтисодни ривожлантираяпмиз. Элита уруғчилигига катта эътибор қаратяпмиз. Мисол учун шу йил гектаридан 60 центнердан ғалла ҳосили олиб, 300 тонна элита уруғи тайёрлаб қўйдик.

Истагимиз, мамлакатимиз куч-қудрати янада юксалсин. Ана шунда бизга ўхшаган фермер ва тадбиркорларнинг иши янада юришади, юксалади.

Барчани яна бир бор Ватанимиз Мустақиллигининг 11 йиллиги билан муборакбод этамиз.

«САИД ОВУЛ»
ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ЖАМОАСИ

Суратда: «Саид овул» фермер хўжалиги раиси Маматқул Саломов уруғлик ғаллани кўздан кечирмоқда.

АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

Буюк ва суюкли аждодларимиз орзу қилган, Сиз билан бизга насиб этган улуғ байрам — юртимиз Мустақиллигининг ўн бир йиллиги барчамизга муборак бўлсин!

Юртбошимиз ва меҳнатсевар халқимизнинг саъй-ҳаракатлари, фидокорона меҳнатлари эвазига она-Ватанимиз тобора гуркираб ривожланмоқда, обод ва гўзал бўлмоқда.

Аҳил жамоамиз ушбу байрамга муносиб совғалар билан келди. Маълумки, мамлакатимиз Истиқлол шарофати билан автомобилсозлик мамлакатига айланди. Акциядорлик жамиятимизда эса ўзбек автомобилларига ойналар тайёрлашга ихтисослашган Ўзбекистон — Италия ҳамкорлигидаги корхона қурилиб, фойдаланишга топширилди.

ХИЗИР НАЗАРИ ТУШГАН ДИЁРИМИЗ ҲАМИША ГУЛЛАБ-ЯШНАЙВЕРСИН!



МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

ИҚТИСОДИЁТ ВА ИСЛОҲОТ

ЎНГЛАНИШ

ЁКИ ИККИ ЙИЛ ИЧИДА ҚОЛОҚЛИКДАН РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИГА ЧИҚИБ ОЛГАН КОРХОНА ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА

Қувасойдаги «Кварц» акциядорлик жамиятида бўлганимизда ишчи-хизматчиларнинг меҳнат қилишлари учун барча шароитлар яратилганига гувоҳ бўлдик. Цехлар озода, кенг, ёруғ. Ҳар бир ишчига пойабзал олиб беришнинг ўзига бир йилда 20 минг сўмдан сарфланмоқда. Одамларни транспортда ишга олиб келиш, ишдан сўнг уй-уйига элтиб қўйиш учун эса йилига 60 минг сўмдан зиёд харажат қилиняпти. Корхонанинг шундоқ-қина ёнида профилакторий бор. Бу ерда ишчи-хизматчилар бепул даволанишади. Дори-дармон ва тўрт маҳал иссиқ овқат текин. Энг муҳими бу харажатларнинг ҳаммаси корхона фойдасидан қопланади.

Халқимизда ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди, деган гап бор. Шу боис, сарфланаётган харажатларнинг бир қисми, хусусан, озиқ-овқат маҳсулотлари корхона ёрдамчи хўжалигида етиштирилади. 55 гектарлик хўжаликда турли ноз-неъматлар билан бирга — пиёз, картошка, сабзи ва бошқа экинлардан муттасил мўл ҳосил олиняпти. Бундан икки йил аввал яхши ният билан 11 бош қорамол сотиб олинган эди. Корхона фермасида ҳозир моллар сони 200 дан ошиб кетди.

Ишчиларнинг ойлик маошлари ҳам йилдан-йилга ўсиб бораяпти. Чунончи, ўтган йили ҳар бир кишининг ўртача маоши 36 минг сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич — 78 минг сўмдан ошди. Малакали мутахассислар эса 120-150 минг сўмдан кам маош олишмаяпти. Йил якунига кўра мўмайгина дивиденд ҳам тўланмоқда.

— 2000 йилнинг ўрталарига қадар на ойлик маошда, на моддий фаровонликда тайин бор эди, — дейди жамият раиси Одилжон Оллоёров. — Заводнинг бир ярим миллиард сўмлик кредиторлик, 300 миллион сўмлик дебиторлик қарзлари йиғилиб қолганди. Инқироз шу даражага бориб етган эдики, ишлаб чиқариш деярли тўхтаб қолаёзганди. Печлар бузилиб, вайронага айланган ва улар зудлик билан қайтадан қуришни талаб этарди.

Биз ҳукуматимиз кафолатига таяниб, чет эллардан ўтга чидамли ғишт ва хомашё келтирдик. Печлар қайтадан ишга тушди. Корхонани илгари тарк этган малакали кадрлар ўз ўринларида қайта иш бошладилар. Ҳозир барча қарзларимиз узилди. Ўтган йилни катта фойда билан якунладик. 12 миллиард 193 миллион 504 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Кўрилган соф фойда 1 миллиард 133 миллион 944 минг сўмни ташкил этди. Бу 2000 йилдагига нисбатан икки баравар зиёд демакдир.

Бизнинг изоҳ: «Кварц» акциядорлик жамиятига 1975 йилда асос солинган. Ўрта Осиёда энг йирик корхоналардан бири. порт қилишда қийинчиликлар юз бераётгани ҳам сир эмас. Айниқса, хуштаъм, шифобахш виноларимиз бежирим идишлар камёблиги туфайли четга улкан цистерналарда чиқарилаётганлиги боис олинаётган фойда кўнгилдагидек бўлмаётганлиги гоҳида алам қилади кишига.

«Кварц»чилар ана шундай «танг»ликни бартараф этишга бел боғлашди. Қулай ва кўркам шиша банкалар турларини кўпайтиришди. Ҳозир бу ерда сиғими 250 см³дан 3000 см³ гача бўлган 11 турда шиша банкалар ишлаб чиқарилмоқда. Линиянинг қуввати йилига 219 миллион дона шундай идишлар тайёрлашга етади.

Маълумки, эндиликда ташқи ва ички бозорда барқарор ўрин эгаллаш учун маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг ўзигина кифоя эмас. Бунинг учун корхона мутахассислари ва малакали ишчилари ихтирочилик ҳаракатини авж олдирдилар. Кейинги уч йил ичида шиша банкаларнинг олтита янги турини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Айниқса, ликер-арақ, олий навли шампань винолари, пиво, минерал сувлар ва ўсимлик ёғларига мўлжалланган қўплаб янги турдаги (жигарранг, кўк, рангсиз) шиша идишлар мижозларга манзур бўлмоқда. «Мастона» АЖ, «Маск», «Карвон», «Болгар-шароб» қўшма корхоналари, «Фаровон» масъулияти чекланган жамияти, «Маҳмуд Саид Фуд» ва бошқа корхоналар маҳсулотларининг харидоргирлиги боиси ҳам шунда.

«Кварц»да бугунги кунда сиғими 250 см³дан 750 см³ гача шиша идишлар тури 29 тага етди. Бундан ташқари корхонада техник суюқликлар учун 500 см³дан 1000 см³гача бўлган шиша идишлар ҳам ишлаб чиқариляпти. Бу линия — йилига 90 миллион донадан ортиқ шиша идиш тайёрлаш қувватига эга.

Корхонада маҳсулот турларини кўпайтириш ва сифатини ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар давом этяпти. Хорижий шериклар билан ҳамкорлик ривожланмоқда. Чунончи ойна маҳсулотлари ишлаб чиқаришда асқотадиган кальцийланган сода Украинадан, кварц қумлари Тожикистондан, натрий сульфати Туркманистондан олиб келинаётир. Лекин, корхонадагилар хомашё манбаларини кўпроқ ўз юртимиздан қидирмоқдалар. Айтиш керакки, бу борада муайян натижаларга ҳам эришилди. Ички эҳтиёжлар учун кейинги икки йил ичида ШУС-3; 5; 6; 7; ШБ-5; 9; 22; 23; ША-5; ША-9 русумли шамот ғиштлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Улар 1250-1400°С юқори ҳароратда ишлайдиган турли иссиқлик агрегатлари ичига терилади. Икки йил аввал эса корхона эҳтиёжлари учун бундай ғиштлар хориждан жаракжарақ валютага олиб келинарди. Бир тонна ўтга чидамли шундай ғишт 800 АҚШ долларига тушиб, биргина печ учун 8000 тонна шундай ғишт ишлатилганини ҳисоблаб кўрсангиз, жами харажатни кўз олдингизга келтира оласиз.

«Кварц»да ишлаб чиқарилган 2 мм. дан 10 мм.гача қалинликдаги М1, М2, М3, М4 русумли ойна маҳсулотлари аллақачон мижозлар тилига тушган. Бундан ташқари корхонада тўрт хил рангда манзарали ойналар ҳам тайёрланяпти. Ваакум қурилмаси ёрдамида металл суви юритилган қоронғилаштирилган ойналарга ҳам талаб кун сайин ортиб бормоқда.

Корхона маҳсулотининг харидорлари нафақат Ватанимизда, балки хорижий давлатларда ҳам кўпаймоқда. Россия Федерацияси, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистондан келаётган буюртмалар бунинг ёрқин далили. Шу боис бўлса керак, корхона маҳсулотлари қатор халқаро мукофотларга сазовор бўлмоқда. Ўтган йили жамоа ишчи-хизматчилари саноатни ривожлантиришга кўмаклашувчи халқаро уюшманинг «Олтин медали» соврини соҳиби бўлишди.

Яна бир муҳим гап. Ўзбекистон дунёнинг йирик автомобилсозлик мамлакатларидан бирига айланиши муносабати билан корхонада автомобилларнинг эҳтиёт қисмлари ва бутловчи деталларини ҳам тайёрлаш ишлари йўлга қўйилмоқда. Шу жиҳатдан олганда акциядорлик жамиятида Италиянинг илғор фирмалари билан ҳамкорликда автомобиль ойналари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона қурилиб, ишга туширилганлиги алоҳида таҳсинга лойиқ. Куни кеча бу ерда давлатимиз Мустақиллигининг 11 йиллиги олдидан унинг халқаро тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Ушбу лойиҳани бир йил давомида амалга ошириш кўзда тутилган эди. Бироқ ўттиздан зиёд италиялик малакали мутахассислар ва «Кварц»нинг ойна цехи ишчилари бу ишни қисқа муддатда, яъни беш ой ичида уддалашди. Италия «Текинт» компаниясининг инвестициясаосида 17 миллион АҚШ доллари миқдорида дастгоҳлар, асбоб-ускуналар олиб келиниб, тезда монтаж қилинди.

Энди бу ерда 2 мм. қалинликдаги автомобиль ойналаридан тортиб 24 мм. қалинликдаги турли ойналар ҳам тайёрлаш мумкин. Корхонанинг лойиҳа қуввати йилига 10 миллион квадрат метр ойна тайёрлаш имкониятини беради.

Халқаро тақдимот маросимида иштирок этган Фарғона вилояти ҳокими Алишер Отабоев, республика қурилиш материаллари акциядорлик компаниясининг раиси Эркин Акрамов, Ўзбекистон автомобилсозлик саноати вазирининг ўринбосари Аҳмаджон Ҳаққулов, Италия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Леопольдо Ферри де Ладзаро, «Текинт» компаниясининг МДҲ давлатлари бўйича директори Владимро Канижи, лойиҳа раҳбари Альберто Киодини, ойна ишлаб чиқариш департаменти директори Фаше Жераламо, Саратов ойначилик институти раҳбари Алексей Кузьмин корхонанинг истиқболи порлоқ эканлигини таъкидладилар.

■ **Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,**
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

✧✧✧

Суратларда: «Кварц»даги кундалик иш жараёнларидан лавҳалар.



Мамлакат консерва саноати корхоналарига шиша идишлар етказиб беришга ихтисослашган. Шампан винолари, коньяк, вино, арақ маҳсулотлари ва минерал сувлари учун шишалар ишлаб чиқаради. Силлиқланган қуйма ва қорайтирилган ойналар тайёрлайди. Асосий буюртмачилари — «Ўзмевасабзавотузумсаноатхолдинг» компаниясига қарашли корхоналар.

«ЭСКИ ЖЎВА» УНИВЕРСАЛ БОЗОРИ

очиқ акциядорлик жамиятининг бошқаруви

шуни маълум қиладики, жамият Кузатув Кенгашининг 2002 йил биринчи ярим йиллик молиявий-хўжалик фаолияти натижалари бўйича ўтказилган навбатдаги йиғилиши қарорига мувофиқ, дивидендлар номинал қийматига нисбатан

17,76 ФОИЗ ТЎЛАНАДИ.

Акциядорлар реестри 2002 йил 7 июль ҳолати бўйича тузилган.

Акциядорлар 2002 йил 23 сентябрдан бошлаб қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин: Шайхонтоҳур тумани, Бозор майдони, 28-уй. «ЭСКИ ЖЎВА УНИВЕРСАЛ БОЗОРИ» ОАЖ.

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 42-52-46.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИКНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ

14.00.22 — «Травматология ва ортопедия» ихтисослиги бўйича аспирантурага (кундузги — 1 ўрин) 2002-2005 ўқув йиллари учун танлов эълон қилади.

Ҳужжатлар 2002 йилнинг 22 августидан 22 сентябригача (30 кун) Илмий бўлимда қабул қилинади.

«Ўзкоммунмаштаъминот» ОАЖ бошқаруви жамоанинг масъул ходими Собиржон Қурбоновга падари бузруквори

Ҳожиакбар ота ҚУРБОНОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

РЕСПУБЛИКАНИНГ ЭНГ ЙИРИК ВА НУФУЗЛИ БАНКЛАРИДАН

БИРИ – АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

«ПАХТА БАНК»

ЎЗ АКЦИЯДОРЛАРИ ВА МИЖОЗЛАРИНИ, БУТУН ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 11 ЙИЛЛИК БАЙРАМИ БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ!

Шу муносабат билан 2002 йил 20 августдан эътиборан 10 сентябрга қадар 6,5 ой муддатга қабул қилиниб, йиллик 50 фоиз даромад тўланадиган, манфаатли ва қулай бўлган

«МУҚАДДАС ЗАМИН»

муддатли жамғарма омонат турини таклиф этади.

Сиз, ушбу омонатга бўш пул маблағларингизни «Пахта банк»нинг исталган бўлимига қўйишингиз ва омонат шартларига кўра фоизли даромадингизни биринчи бор 45 кун тўлиши билан, кейингиларини эса ҳар ойда олиб боришингиз мумкин.

Маълумот учун телефонлар: 78-10-32, 173-25-56

«ПАХТА БАНК» СИЗЛАРГА СОҒЛИҚ, ХУШ КАЙФИЯТ ВА ОИЛАВИЙ ҚУВОНЧ ТИЛАЙДИ!



«ПАХТА БАНК» – ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИ!

BANK XALQ BANKI

ХАЛҚ БАНКИ ОМОНАТЧИЛАРИ – ИҚТИСОДИЁТ ИНВЕСТОРИ

Маълумки, мамлакатимиз иқтисодиётида нақд пул эмиссиясини қисқартириш, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини банк оборотига жалб қилишга қаратилган Президент Фармонлари ва ҳукуматимиз қарорлари ижросини таъминлашда Ўзбекистоннинг энг йирик ва универсал банкларидан бири – Давлат-тижорат Халқ банки бир қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Жумладан, қисқа муддат ичида 10 дан ортиқ ютуқли, жозибали омонат турлари амалиётга жорий қилинди ва натижада банкдаги аҳоли омонатлари қолдиғи 28 млрд. сўмдан ошиб кетди.

Албатта, бу маблағлар иқтисодиётнинг реал сектори – ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва кенгайтириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга, шунингдек, истеъмол бозорини кредитлаш ҳамда республикамизнинг ижтимоий соҳаларига йўналтирилмоқда.

Шак-шубҳасиз, республикамизда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро ўз жамғармаларини Халқ банкига жойлаштириб, «Иқтисодиёт инвестори»га айланиши мумкин экан. Демак, «Омонатчи – иқтисодиёт инвестори».

2002 йилнинг 15 август куни Тошкент шаҳрида кўп йиллик тарихга эга бўлган Халқ банки банкнинг қисқа муддатли, «Қадрият» ютуқли омонати бўйича ютуқлар тиражи ўтказди. Бунда омадли банк омонатчилари 5 000 сўмдан 1 000 000 сўмгача бўлган пул ютуқлари соҳибига айландилар. Шу билан бир қаторда, «Қадрият» омонатига қўйилган «Омад» ютуғи соҳиблари ҳам аниқланди, «Омад» ютуғининг соҳиблари бир йил мобайнида ҳар ойда банк ҳисобидан ютуқ тарзида 50 000 сўмдан нақд пул олиб туриш имкониятига эга бўлишди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИНИНГ «ҚАДРИЯТ» ҚИСҚА МУДДАТЛИ, ЮТУҚЛИ ОМОНАТИ БЎЙИЧА 2002 ЙИЛ 15 АВГУСТ КУНИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛГАН ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

т/р	Ютуқ миқдори (сўмда)	Ютуқли ҳисоб варағи
1.	1 000 000	Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ бўлими 022-сонли шаҳобчаси КД-23 рақамли ҳисоб варағи
2.	500 000	Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур бўлими КД-131 рақамли ҳисоб варағи
3.	200 000	Наманган вилояти Норин бўлими 010-сонли шаҳобчаси КД-8 рақамли ҳисоб варағи
4.	100 000	Жиззах вилояти Жиззах шаҳар бўлими 09-сонли шаҳобчаси КД-53 рақамли ҳисоб варағи
5.	100 000	Тошкент шаҳар А.Икромов бўлими 0475-сонли шаҳобчаси КД-2 рақамли ҳисоб варағи
6.	50 000	Сурхондарё вилояти Олтинсой бўлими 04-сонли шаҳобчаси КД-29 рақамли ҳисоб варағи
7.	50 000	Сурхондарё вилояти Қумқўрғон бўлими 024-сонли шаҳобчаси КД-159 рақамли ҳисоб варағи
8.	50 000	Андижон вилояти Кўрғонтепа бўлими 044-сонли шаҳобчаси КД-5 рақамли ҳисоб варағи
9.	50 000	Сурхондарё вилояти Шеробод бўлими КД-254 рақамли ҳисоб варағи
10.	50 000	Наманган вилояти Поп бўлими 017-сонли шаҳобчаси КД-4 рақамли ҳисоб варағи
11.	50 000	Самарқанд вилояти Пайариқ бўлими 035-сонли шаҳобчаси КД-32 рақамли ҳисоб варағи
12.	50 000	Тошкент вилояти Чиноз бўлими 010-сонли шаҳобчаси КД-11 рақамли ҳисоб варағи
13.	50 000	Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ бўлими 08- сонли шаҳобчаси КД-4 рақамли ҳисоб варағи
14.	50 000	Тошкент вилояти Пискент бўлими 010- сонли шаҳобчаси КД-10 рақамли ҳисоб варағи
15.	50 000	Тошкент шаҳар М.Улуғбек бўлими КД-30 рақамли ҳисоб варағи
16.	25 000	Андижон вилояти Андижон шаҳар бўлими КД-134 рақамли ҳисоб варағи
17.	25 000	Тошкент вилояти Пискент бўлими 010- сонли шаҳобчаси КД-96 рақамли ҳисоб варағи
18.	25 000	Сурхондарё вилояти Бандихон бўлими КД-3 рақамли ҳисоб варағи
19.	25 000	Сурхондарё вилояти Шеробод бўлими КД-10 рақамли ҳисоб варағи
20.	25 000	Тошкент вилояти Бекобод шаҳар бўлими КД-143 рақамли ҳисоб варағи
21.	25 000	Тошкент вилояти Оққўрғон бўлими 03-сонли шаҳобчаси КД-13 рақамли ҳисоб варағи
22.	25 000	Тошкент вилояти Чирчиқ бўлими 04-сонли шаҳобчаси КД-275 рақамли ҳисоб варағи
23.	25 000	Самарқанд вилояти Пайариқ бўлими 027-сонли шаҳобчаси КД-9 рақамли ҳисоб варағи
24.	25 000	Самарқанд вилояти Челак бўлими КД-180 рақамли ҳисоб варағи
25.	25 000	Самарқанд вилояти Челак бўлими КД-119 рақамли ҳисоб варағи
26.	25 000	Фарғона вилояти Марғилон бўлими 047-сонли шаҳобчаси КД-14 рақамли ҳисоб варағи
27.	25 000	Андижон вилояти Избоскан бўлими 01-сонли шаҳобчаси КД-26 рақамли ҳисоб варағи
28.	25 000	Хоразм вилояти Қораул бўлими 07-сонли шаҳобчаси КД-23 рақамли ҳисоб варағи
29.	25 000	Хоразм вилояти Хонқа бўлими КД-88 рақамли ҳисоб варағи
30.	25 000	Сурхондарё вилояти Денов бўлими 012-сонли шаҳобчаси КД-85 рақамли ҳисоб варағи
31.	25 000	Сурхондарё вилояти Қумқўрғон бўлими 015-сонли шаҳобчаси КД-154 рақамли ҳисоб варағи
32.	25 000	Навоий вилояти Қизилтепа бўлими 01-сонли шаҳобчаси КД-5 рақамли ҳисоб варағи
33.	25 000	Навоий вилояти Навоий туман бўлими 035-сонли шаҳобчаси КД-37 рақамли ҳисоб варағи
34.	25 000	Хоразм вилояти Хива бўлими 013-сонли шаҳобчаси КД-1 рақамли ҳисоб варағи
35.	25 000	Сирдарё вилояти Янгиер бўлими КД-70 рақамли ҳисоб варағи
36.	5 000	Тошкент шаҳар М.Улуғбек бўлими КД-24 рақамли ҳисоб варағи
37.	5 000	Тошкент шаҳар А.Икромов бўлими 0300-сонли шаҳобчаси КД-27 рақамли ҳисоб варағи
38.	5 000	Самарқанд вилояти Пайариқ бўлими КД-36 рақамли ҳисоб варағи
39.	5 000	Тошкент вилояти Бекобод шаҳар бўлими 029-сонли шаҳобчаси КД-6 рақамли ҳисоб варағи
40.	5 000	Андижон вилояти Асака бўлими КД-43 рақамли ҳисоб варағи
41.	5 000	Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ бўлими 022-сонли шаҳобчаси КД-105 рақамли ҳисоб варағи
42.	5 000	Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туман бўлими 01-сонли шаҳобчаси КД-7 рақамли ҳисоб варағи
43.	5 000	Сурхондарё вилояти Қумқўрғон бўлими 07-сонли шаҳобчаси КД-25 рақамли ҳисоб варағи
44.	5 000	Фарғона вилояти Марғилон бўлими 023-сонли шаҳобчаси КД-15 рақамли ҳисоб варағи
45.	5 000	Наманган вилояти Янгиқўрғон бўлими КД-11 рақамли ҳисоб варағи
46.	5 000	Сирдарё вилояти Янгиер бўлими КД-210 рақамли ҳисоб варағи
47.	5 000	Тошкент вилояти Тошкент туман бўлими 046-сонли шаҳобчаси КД-24 рақамли ҳисоб варағи
48.	5 000	Тошкент вилояти Тошкент туман бўлими 05-сонли шаҳобчаси КД-36 рақамли ҳисоб варағи
49.	5 000	Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ бўлими 013-сонли шаҳобчаси КД-40 рақамли ҳисоб варағи
50.	5 000	Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ бўлими 032-сонли шаҳобчаси КД-44 рақамли ҳисоб варағи
51.	5 000	Тошкент вилояти Бўка бўлими 019-сонли шаҳобчаси КД-8 рақамли ҳисоб варағи
52.	5 000	Тошкент вилояти Ангрен бўлими 011-сонли шаҳобчаси КД-43 рақамли ҳисоб варағи
53.	5 000	Жиззах вилояти Жиззах туман бўлими 08-сонли шаҳобчаси КД-33 рақамли ҳисоб варағи
54.	5 000	Жиззах вилояти Жиззах шаҳар бўлими 017-сонли шаҳобчаси КД-414 рақамли ҳисоб варағи
55.	5 000	Сурхондарё вилояти, Олтинсой бўлими 04-сонли шаҳобчаси КД-66 рақамли ҳисоб варағи
56.	«Омад» ютуғи	Тошкент вилояти Оққўрғон бўлими 03-сонли шаҳобчаси КД-44 рақамли ҳисоб варағи
57.	«Омад» ютуғи	Тошкент шаҳар А.Икромов бўлими КД-21 рақамли ҳисоб варағи
58.	«Омад» ютуғи	Сурхондарё вилояти Шеробод бўлими КД-266 рақамли ҳисоб варағи
59.	«Омад» ютуғи	Самарқанд вилояти Нуробод бўлими 01-сонли шаҳобчаси КД-1 рақамли ҳисоб варағи

Э.Т.АБДУЛГАЗИЕВА – Ҳайъат раиси, Тошкент шаҳар, Чилонзор туман ҳокимлигининг иқтисодни мувофиқлаштириш бўлими мудири.
С.М.ФАЙНШТЕЙН – Масъул котиб, Халқ банки Жамғарма ишларини ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЙИРИК ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН БИРИ –

ХАЛҚ БАНКИ

мамлакатимиз аҳолисини республикамиз Мустақиллигининг 11 йиллик айёми билан самимий муборакбод этади.

Сиз, азиз юртдошларимизга тинчлик-омонлик, оилавий бахт тилаб, ўзининг янги, манфаатли шартлардаги «Тантана», «Фахрий» ва «Сармоя Плюс» омонатларини таклиф этади.

«Тантана» – қисқа муддатли, ютуқли омонатига пул маблағлари 90 кун муддатга қабул қилиниб, йиллик 20 фоиз миқдорида даромад тўланади. Сиз омонатингизга ҳисобланган фоизли даромадларни олиш билан бир қаторда, 1000 сўмдан 2 000 000 сўмгача бўлган мингдан ортиқ пул ютуқлари совриндорлари бўлиш имкониятига ҳам эгасиз.

Ютуқ эгалари жорий йил декабрь ойининг биринчи 10 кунлигида аниқланади.

«Фахрий» – 1 йил муддатли жамғариладиган омонатга пул маблағлари фахрийлар ва пенсионерлар номига қабул қилиниб, йиллик 30 фоиз миқдорида фоиз даромадлари тўланади. Ҳисоб варақаси бўйича кирим ва чиқим операциялари чегараланмаган миқдорда амалга оширилади.

«Сармоя плюс» – жамғариладиган омонатига пул маблағлари 6 ой муддатга қабул қилиниб, йиллик 28 фоиз миқдорида фоиз даромадлари тўланади. Омонатдаги пул маблағларига ҳисобланган фоиз даромадлари ҳар ойда омонат қолдиғига қўшиб борилади ва келгуси ойда янги омонат қолдиғига нисбатан фоизлар ҳисобланади. Ҳисоб варақаси бўйича кирим ва чиқим операциялари чегараланмаган миқдорда амалга оширилади.

Омонатларга пул маблағлари Халқ банкининг барча бўлимлари ва шаҳобчалари орқали қабул қилинади.

ХАЛҚ БАНКИ – АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИНИНГ САҚЛАНИШИ – ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН ЯГОНА БАНКДИР!

ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 136-53-70
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 136-53-21
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Guliston da — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Sohibjon SALIMOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г – 671

uzb ovozi@sarkor.uz.

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.00

1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA